

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 67 (10.372)

2005 ЙИЛ 7 АПРЕЛЬ

## АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯНГИ АСОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

**XVI сарфоси**  
Барча мавбалардан  
олинган бўлган хабарлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 4-6 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ  
ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга Берган интервьюсида Ўзбекистон халқига Ҳиндистон ҳақида батафсил сўзлаб беришга зарурат йўқлигини таъкидлади. Бой тарих ва маданиятга эга бу мамлакатни кўпчилигимиз яхши биламиз. Лекин бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда, ҳозирги Ҳиндистон ҳақида кўп яхши фикрлар айтиш мумкин. Мамлакат саноат ишлаб чиқариши, жалб қилинаётган хориж сармояси ҳажми жиҳатидан дунёдаги дастлабки ўнликка киради. Ядровий технологиялар ва коинотни забот этиш борасида ҳам энг илгор мамлакатлар сафида туради. Жаҳонда ахборот технологиялари йўналишида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ярмидан ортиги Ҳиндистон ҳиссасига тўри келади.

Дунёдаги энг кўп сўғориладиган экин майдонига эга Ҳиндистон қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги кўп асрлик анъаналари, замонавий ирригация технологияларининг ишга солиниши тўғрисида бир миллиарддан зиёд аҳолининг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, катта миқдорда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт ҳам қилади.

Қўлай сармоявий муҳит ва улкан бозор дунёнинг донгдор корпорацияларининг бу мамлакатга қизиқишини тобора оширмакда. Биргина автомобилсозлик соҳасини олсак, Ford, Suzuki, Hyundai каби кўплаб машҳур компаниялар ўз маҳсулотини Ҳиндистонда ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган.

Сўнги йилларда янги ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуғи 75 фоиздан ошгани, ўртаҳол аҳоли сони кўпаяётгани (ҳозир 400 миллиондан зиёд) мамлакат иқтисодиёти замонавий бозор талаблари асосида ривожланган далаватлардир. Умуман, иқтисодий ўсish суръати борасида Ҳиндистон дунёда энг юқори погоналардан бирида туради.

Президент Ислам Каримов Деҳлидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг матбуот

учун берган баёнотида Ҳиндистоннинг юксак салоҳияти ва катта нуфузига алоҳида тўхталди. Ўзбекистон бу мамлакат билан муносабатларни кадрлаштини таъкидлади. Ташрифдан кўзланган мақсад эса дўстона алоқаларни янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан фикр алмашиш эди. Шундай бўлди ҳам.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмохан Сингх билан учрашуварларида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича атрафлича фикр алмашди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларни янги поғонага кўтариши учун катта салоҳият ва имкониятга эга, бунга интилиш икки томонда ҳам кучли. Икки мамлакатнинг халқро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга нисбатан қарашлари муштарақ. Бу амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим сиёсий асосдир.

Ислам Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шехават билан учрашувда парламентларо алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустақамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Натвар Сингх, мудофаа вазири Пранаб Муержи, савдо ва саноат вазири Камал Нат билан ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, шунингдек, минтақавий ва халқро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Музокараларнинг амалий натижаси ташриф давомида имзоланган 13 ҳужжатда ўз ифодасини топди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳукуматларро ҳужжатлар имзоланди. Мудофаа вазириликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисо-

дий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида ағлашув меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳлиқни ривожлантириш корпорацияси ўртасида ағлашув протоколи, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистон давлат банки ҳамда Ҳиндистон экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик меморандумлари, «Ўзсаноатмашимпекс» давлат акционерлик ташқи савдо компанияси билан Ҳиндистоннинг «Компетент» компаниялари гуруҳи ўртасида Савдо уйи ташкил этиш тўрисида меморандум, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Жавахарлаъл Неру университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти билан Мирзо Фоллиб институти ўртасида ағлашув меморандумлари имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг ўзиёқ музокаралар нечоғли кенг қамровда ўтганини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиб тўрисида битимлар илгари имзоланган. Энди эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид ҳукуматларро битим ишбилармонларнинг бевоқиф алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълим соҳасининг юксак аҳамиятини инобатга олган ҳолда томонлар бу йўналишда ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқди ва олий ўқув юртинларининг алоқаларига кенг йўл очиб берди. Жавахарлаъл Неру университети ва Мирзо Фоллиб институтининг нуфузи Ҳиндистондан ташқарида ҳам юқори.

Давоми 2-бетда.

### Мамлакатимизда

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги қирол оиласи аззоси, Кент шаҳзадаси Майкл Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятининг диққатга сазовор жойлари, ишлаб чиқариш салоҳияти билан танишди.

● Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномасининг 12-соний ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқди.

● Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номли ип-ийгириш акциядорлик жамияти қошида 30 ўринли тиббий-даволаш муассасаси очилди. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида очилган мазкур тиббий масканининг қурилиш ишларига 100 миллион сўм сарфланди.

● Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ва касба уюшмаларининг вилоят Кенгаши соғломлаштириш оромгоҳларини ёзги мавсумга ўз вақтида тайёрлаш масалаларига бағишланган кўшма қарор қабул қилди. Унга кўра шу йилнинг 1 июнидан бошлаб 15 мингдан ортиқ болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши кўзда тутилган.

● Жиззахда Республика рус маданият марказининг вилоят таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

● «Қамолот» ЕИҲ Юқори Чирчиқ туман бўлими ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ёш тарихчилар танловини ташкил этишди.

● Тошкентда Кувонқлар ва зўқорлар жамоаларининг фестивали ўтказилди ва шу тариқа 2005 йилдаги ўйинларнинг янги мавсуми очилди.

### Жаҳонда

● Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр мамлакатда умумхалқ сайловлари шу йилнинг 5 май куни ўтказилишини билдирди.

● Гагадаги Халқаро киноят судига Суданнинг Дарфур музофотида содир этилган жиноятларни тасдиқловчи ҳужжатлар топширилди. Тез орада халқаро судга ушбу жиноятларни амалга оширган 51 шахснинг исми-шарифи ҳам ҳавола қилинади.

● Покистон Президенти Парвез Мушарраф Покистон — Хитой ҳамкорлигида мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари учун мўлжалланган JF-17 Thunder (FC-1 «Chao Qi») русумли қирувчи самолётлар ишлаб чиқара бошланишини маълум қилди.

● Италия мамлакатни ҳукумати Рим папоси Иоан Павел II нинг дафн маросими жума кунига белгиланганлиги муносабати билан миллий мотамини шу кунгача узайтирди.

● Иордания қироли Абдалла II Бош вазир Фейсал ал-Фаъзининг истеъфосини қабул қилди. Қирол Вазирлар Маҳкамаси аззоси Аднан Бадранга янги ҳукуматни шакллантиришни топширди.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ГАЛАБАНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА НОГИРОНЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 60 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ва фидойилигига чўқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Галабанинг 60 йиллиги» юбилей медалли билан мукофотлансин.
2. Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 20000 (ийгирма минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.
3. «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Галабанинг 60 йиллиги» юбилей медалли ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президентини номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 6 апрель

**ПОЙТАХТНИНГ  
Дўр қуни**  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**

- ЭРТАГА шаҳримиздаги 264-мактабда ўқувчилар ва шифокорлар иштирокида «Қизларнинг тиббий маданиятини ошириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади.
- КЕЧА Тошкент Халқаро бизнес марказида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши, Ўзбекистон-Япония маркази ҳамкорликларида «Япония маданияти ва унинг ўзига хослиги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- БУГУН «Ал-авлод» қаҳвахонасида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

**Иқтисодиёт**

**ЕВРОПА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА**

«BAW Chemicals LTD» **Ўзбекистон-Австрия-Ирландия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ювиш воситалари, шампунь маҳсулотлари, шампунь маҳсулотлари «BEFA LUX» Австрия савдо маркаси билан сотувага чиқарилмоқда.**

Асосан корхонага зарур хом ашё Австриянинг «BEFA» компаниясидан келтирилади. Ушбу компания маҳсулотлари 1976 йилдан буён жаҳон бозорига ўз мавқеига эга ҳамда Германиянинг «Henkel» компанияси билан доимий ҳамкорликда фаолият юритиб келади.

«BEFA» компанияси бугунги кунда юқори сифатли, ISO 9001:2000 халқаро сертификатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, ушбу компания ўз гурӯҳини кенгайтирмоқда. Ўзбекистонда «BEFA» компанияси «BAW Chemicals LTD» қўшма корхонасининг таъсисчиси ҳисобланади.

Айни пайтда қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган «BEFA LUX» маркали маҳсулотлар энг замонавий, Европа технологиялари ёрдамида тайёрланади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар шампунлари, хина аралашмалари, қазғоққа қарши, сочларни озуклантурувчи шампунлар, лимон ҳидли ювиш воситалари, автобиллар учун шампунлар махсус ишланганлиги, ёқимли ҳиди, юқори сифатлиги билан ажралади туради.

**ФЛЕКСОГРАФИЯ МАХСУЛОТЛАРИ**

Шаҳримизда фаолият юритаётган «Colorfleks» **Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида 200 дан ортқ турдаги флексография маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.**

Буюртмачи талаби асосида турли хилдаги ёрқилар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, асосий буюртмачилари «Агрофирма» «Тошкентвино», «Фарваб» компаниялари, «Новатор», «Цымбалов» хусусий фирмаларидир.

— Ҳар йили «Ташаббус» кўрик-танловига иштирок этиб келамиз, — дейди корхона маркетинг бўлими бошлиғи Сардор Хадятуллаев. — «Uzbek in Print», «Uz UPAK» наشريёт кўрғазмасида ҳам диплом билан тақдирландик.

Корхона маҳсулотлари учун зарур хом ашё Италия, Германия, Япония, АҚШ давлатларидан келтирилиб сифатли маҳсулот тайёрлашда муҳим уринга эга.

Айни дамда корхонанинг бир йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳајми 1 миллиард сўми ташкил қилса, келгусида ушбу сумма 1 миллиард 200 миллион сўмга ошиши кўзда тутилган.

Диляфруз **HEMATULLAEVA**

**АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯНГИ АСОСДАГИ ҲАМКОРЛИК**

Давоми. Боши 1-бетда.

Маданият соҳасида 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастур халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Мудофаа вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳужжат бугунги воқеълик нуқтаи назаридан қараганда гојат долзарбдир. Юқсак ҳарбий салоҳиятга эга Ҳиндистон билан бу борадаги алоқалар терроризмга қарши курашга доир ҳаракатларни мувофиқлаштиришга, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ўзаро таъриб ва ахборот алмашишда жуда муҳим ўрин тутади.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Ҳиндистон сафарига давлат таширифи мақоми берилгани Ҳиндистон раҳбариятининг Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта иштлиқидан доҳалатдир. Ташириф асосида иқтисодий соҳага оид еттига ҳужжат қабул қилинган унинг нечоғли самарадор бўлганини ва қандай улкан аҳамиятга эгалигини кўрсатди. Савдо-саноат палаталари, банклар, сайёҳлик компаниялари ўртасидаги муносабатларнинг расмийлаштирилгани савдо-иқтисодий алоқаларга янги суръат бахш этиши тайин. Ҳамкорликда ташкил этиладиган Савдо уйи ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 160 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокчида тузилган қирққа яқин қўшма корхона ҳамда Ҳиндистондаги 4 компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Деҳли музокаралари бу кўрсаткичларни ошириш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳуқуқматларо қўшма комиссия фаолиятини тақомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Хозирги кунда мамлакатимиз Ҳиндистонга

асосан рангли металллар ва улардан ясалган буюмлари, айрим хизмат турларини, полиз маҳсулотларини, ипак ва кимёвий толаларни экспорт қилади. Импорт эса қоғоз ва картон, дори-дармон, ускуна, органик ва кимёвий бирикмалар каби маҳсулотлардан иборат. Бу рўйхатларни анча кенгайтириш мумкин. Самолётсозлик, нефт кимёси, ўғит, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери ва ёғочни қайта ишлаш сингари соҳаларда ҳамкорлик қўламини ошириш имкониятлари кўп. Юқори технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари, шунингдек, тўқкон саноати борасидаги алоқаларни ҳам замон талабларига мос равишда ривожлантириш мумкин. Фан, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам долзарб аҳамиятга молик. Тарих ва фалсафа бўйича қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, маданият ва санъат намоёндаларининг ўзаро алоқасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистон товарлари ва хизматларининг Марказий Осиё бўйлаб ёйилиши учун Ўзбекистонда қулай шaroит мавжуд. Ўзбекистон эса ўз ташқи савдосини ривожлантиришда ўндан ортққ йирик ва икки юзга яқин кичик бандажроҳи бўлган Ҳиндистоннинг коммуникацияларидан янада кенг фойдаланиши мумкин.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги қўламини имкониятлар доирасига солинса, унчалик катта сегментни ташкил этмайди. Деҳли учрашуваридида шу сегмент ҳажмини доира даражасига етказиш масалалари батафсил кўриб чиқилди ва муайян қелишуварларга эришилди.

Президент Ислоҳ Каримов таширифининг учинчи кунини «Хумоюн» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Бобур Мирзо асос солган салтанатни мерос олган Хумоюн Мирзо мақбараси — Деҳлидаги энг гўзал иншоотлардан. Айтишларидан

рича, мақбара учун жойини Хумоюннинг ўзи танлаган экан. Обида 1565 йилда, ўша кезлари мейморликни санъат даражасига кўтарган Мирза Фиёс тарқи асосида Хумоюн Мирзонинг рафиқаси Хамиди Бегим раҳнамоллигида бунёд этилган. Ҳиндистонда мақбаралар атрофини боғ-роғ билан безаш аънаъаси айни шу мажмуадан бошланган.

Ислоҳ Каримов «Хумоюн» мажмуи Бобурийлар даврининг етук мейморий обидаларидан эканлигини таъкидлади. Аждодларимизнинг хинд заминидида қолдирган улкан мероси халқларимизнинг тарихий муштараклигидан далолатдир. «Тож Маҳал», «Хумоюн» каби обидалар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари учун бирдек қадрли ва азиз.

Деҳлидаги қўлпаз биноларда «Тож Маҳал» ёки бошқа таниш атамаларни кўриш мумкин. Хусусан, Президентимиз учун ажратилган қароргоҳ ҳам «Тож Маҳал» деб номланган. Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимизнинг муштараклигидан, халқларимизнинг бир-бирига яқинлигидан далолатдир.

Президент Ислоҳ Каримов ташириф аввалида Маҳатма Ганди, сафар якунида Хумоюн Мирзо мақбараларини зиёрат қилгани азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканлигига гўзал бир ишорадир. Аънаъавий алоқаларимиз мустақиллик йилларида ҳам янги асосда ривожланоқда.

Бундан манфаатдор эканлигини икки томон ҳам эътироф этади. Кўп асрлик ришталарга эга бўлган Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатлари бугун ўз тараққиятининг мулқак янги даврига қадам қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга бу галги, янги давлат таширифи ўзаро ҳамкорлигимиз тарихига ана шу даврининг муҳим бошқичи сифатида кириши шубҳасиздир.

Анвар **БОБОЕВ,**  
ЎЗА махсус мухбири,  
Тошкент-Деҳли-Тошкент.

— Тоҳир Тўрғунович, даставвал янги пенсия жамғармасининг қандай шаклланиши хусусида яна бир бор тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало шунини таъкидлаш ўринлики, ушбу жамғарма шакллана бошланди, чунки ўтган уч ой давомида лойтахтимиздаги аксарият хўжалик субъектлари томонидан Халқ банки бўлимларига тегишли ажратма маблағлари келиб тушмоқда.

Ички ишлар идоралари ҳамкорлигида хўжалик субъектлари раҳбарлари, яъни иш берувчилар томонидан Халқ банки бўлимларига ҳар бир ишчи номига шахсий идентификация рақами топширилади. Унга асосан эса банк муассасаларида ҳар бир шахсга жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамлари очилган. Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб ишчиларнинг ҳисобланган ойлик маошларидан алоҳида-алоҳида ушбу ҳисоб рақамларига бир фоиз миқдоридида бадал ажратиб борилиши йўлга қўйилди.

Пенсия жамғармасига ўтказилган ушбу маблағ ишчи-ҳодимнинг солиқ ушлаб қолингандан сўнг оладиган ойлик маоши миқдорига умуман таъсир кўрсатмайди, чунки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига ўтказилган бир фоизга тенг маблағ ҳисобланган умумий даромад солиғининг суммасидан қолланади.

— Айрим фуқаролар ўларининг ҳисоб рақамларида ойма-ой йиғилиб борилаётган маблағлар хусусида бироз хавотирга тушаётганларини тўғри тушуниш мумкин. Фуқароларнинг бундай вазиятда ахборотга эга бўлиш ҳуқуқлари қандай?

— Ҳар бир фуқаро истаган вақтида иш жойи манзили бўйича Халқ банкининг туман филиалига мурожаат қилиб, жамғариб бориладиган пенсия китобчасини тақдим этган ҳолда ҳисоб рақамиди вақтида ва тўғри ажратма қилинган маблағлар мувофиқлаштириб борилаётгани тўғрисида қизиқиб, бу ҳақдаги маълумотларни китобчасига ҳам ёздириб олишга ҳақли. Тулпанган маблағларга киритилаётган устама фоиз ставкалари фақат бир маротаба — фақат йил якунида бўйича ҳисобланади, демак бу ҳақдаги тегишли ахборотни ҳар йилнинг бошида олиш мумкин бўлади.

— Маълум бўлишича, шу кунга қадар ҳамма ҳам бундай китобчага эга эмас...

— Бўлиши мумкин. Гап шундаки, иш берувчилар томонидан тақдим этилган ходимлар рўйхатлари бўйича (уларнинг шахсий идентификация рақамлари билан биргаликда) Халқ банки филиаллари томонидан бугунги кунга келиб махсус ҳисоб рақамлари очилган ҳамда ҳар бир ишчи-ҳодим номига тегишли пенсия китобчаси ҳам расмийлаштирилган. Айни пайтда корхона, ташкилот ва муассасалар бўйича фуқаролар номига очилган жамғариб бори-

диган пенсия ҳисобига маблағлар фуқаронинг фақат асосий иш жойи бўйича ундирилади-ми?

— Фуқаро қўшимча олаётган даромадидан ҳам жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига бадал тулаши лозим. Бунинг учун аввало мабур вақтинча шартнома бўйича ишлаётган фуқаронинг асосий иш жойидан Халқ банки бўлими ва коди кўрсатилган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақами мавжудлиги тўғрисида

ладиган пенсия ҳисобига ўтказиш лозим. Бундай вазиятларда фуқаролар яшаш жойлари бўйича ихтиёрий равишда жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақами очиб, бу ҳақда вақтинча меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхона ёки ташкилот — юридик шахсга маълумотнома тақдим этишлари керак.

— Корхона ва ташкилотларда ишчи-ҳодимлар орасидида солиқ тўловлари бўйича имтиёзга эга кишилар ҳам бор. Бундай вазиятларда шахсий жамғариб борилаётган пенсия ҳисобига ажратмалар қандай амалга оширилади?

— Солиқ Кодексида мувофиқ жиҳмоний шахслар даромадлари бўйича имтиёзга эга фуқаролар (энг кам ойлик маошининг тўрт маротаба қўпайтирилган миқдори солиққа тортилмайди) жамғариб бориладиган пенсия тизимида умумий равишда иштирок этади, яъни иш берувчи томонидан имтиёзга эга ишчи ойлик маошининг солиққа тортилган негизидан бир фоизни янги шахсий пенсия жамғармаси ҳисобига чегириб борилади.

Сўхбатимиз якунида шунини яна бир бор эслатиб ўтмоқчи эдимки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоби бўйича тўпладиган барча маблағлар доимий равишда айланмага киритилиб, мувофиқ равишда устама фоиз ставкалари билан тўлдириб борилади. Шу билан бирга жамғариб бориладиган пенсия ҳисобидидаги маблағлар тўлиқ ёки қисман равишда (мурожаат этувчининг ихтиёрига қараб) ҳар бир пенсия ёшига етган фуқарога унинг биринчи талаби бўйича қайтарилади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, жамғариб бориладиган пенсия бу асосий давлат пенсиясига нисбатан қўшимча манба сифатида хизмат қилади. Ҳар биримиз вақти келиб пенсионер бўламиз. Бундай табаруқ ёшга кирганимизда эса бирдангана ҳам давлат пенсиясини, ҳам 2005 йилдан бошлаб маълум бир муддат ичида жамғариб борган пенсияимизни олишга муваффақ бўламиз.

Пенсия тизимида янги, истиқболли йўналишга асос солинди. Унинг изчил ва барқарор таъминланиши ҳамда янада ривожланиб бориши эса ҳар бир бугундаги муштарақларнинг масъулиятига боғлиқдир.

Ильмира **ЗАЙНУТДИНОВА**  
сўхбатлашди.

*Бугунги гапи*

**ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЙўНАЛИШ**

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қўчайтириш, пенсия ҳамда солиқ тизимини мувофиқлаштиришга йўналтирилган «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун жорий этилди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Қонунни татбиқ этиш юзасидан чиқарган қарорига мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия тизимидидаги барча асосий ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган йирик молия муассасаси — Ўзбекистон Халқ банки томонидан жорий йилнинг 1 апрелига қадар фуқароларни ҳисобга қўйиш бўйича ташкилий масалалар пўнига етказилди. Аммо шунга қарамаздан, жойларда мутахассислар изохига талаб саволлар пайдо бўлмоқда.

Шунини инобатга олган ҳолда биз ушбу мавзуга яна бир бор қайтишни ҳоиз деб билиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали бошлиғи Тоҳир ИСЛОМОВдан газеткорларимизнинг пенсия тизимининг янги йўналиши бўйича саволларини изохлаб беришини илтимос қилдик.

ладиган пенсия китобчаларини тарқатиш жараёни давом этмоқда.

Умуман олганда Тошкент шаҳридаги 19 мингга яқин хўжалик субъекти бўйича рўйхатга олинган 482 мингдан зиёд ишчи жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига эга ва тегишли китобчаларни олиш бўйича хўжалик субъекти ва банк муассасаси ўртасида ҳеч қандай муаммолар бўлиши мумкин эмас.

— Айрим хўжалик субъектларида доимий равишда ишлаётганларга тааллуқли меҳнат шартномаларидан ташқари, шунингдек ўриндошлик ҳисобиди, соатбай ёки бир маротаба тўлов, масалан, матбуотда чоп этилган мақола учун гунодор — қалам ҳақи тўлаш бўйича шартномалар ҳам мавжуд. Шахсий жамғариб бори-

маълумотнома тақдим этилиши керак бўлади. Уз навбатидида, юридик шахслар вақтинча ишлаётган ходимларга ойлик маоши ёки, масалан, гунодор, бошқа тўловлар ҳисоблаётганда, умумий солиқ миқдоридан бир фоизини уларнинг асосий иш жойи бўйича очилган жамғариб борилаётган пенсия ҳисоб рақамларига ўтказишлари талаб этилади.

Юридик шахс бўлмаган ва шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий равишда иштирок этади. Шу билан бирга ҳеч қерда меҳнат фаолияти билан шуғулланмайдиган фуқаро агарда юридик шахсдан ойлик маоши ёки бошқа даромаднинг шартнома асосида оладиган бўлса, ҳисобланган даромадининг, анкироғи ундирилган солиқнинг бир фоизини шахсий жамғариб бори-

**Маълум****БОҒ УЗРА  
ВАРРАКЛАР  
ПАРВОЗИ**

Варраklar... Баҳор келиши билан улар кўкка парвоз қиладилар. Беғубор болаликнинг гашти ҳисобланган бундай миллий ўйинлар кўпларга қувонч бахш этади.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек боғида уюштирилган бу йилги варраklar байрами ҳам узгача манзара касб этди. Унда Тошкентдаги ўқувчи ёшлар техник ижодиёти марказлари аъзолари ясаган варраklar парвози завқ-шавқ билан томоша қилинди. Бу беллашувда мактаб ўқувчилари ҳам ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Танлов низоми бўйича тайлак, варрак, ҳажмли ва тажриба-намуна йўналишларида муваффақиятли учирилган варраklar эгаллари голибликни кўлга киритишди. Тошкент шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази голибларни дипломлар ва эсдалик совғалар билан тақдирлади.

**ДАРСЛИКНИНГ  
ЭЛЕКТРОН  
ТАЛҚИНИ**

Тошкент Автомобиль йўллари институти олимлари республикамиз машина-асозлик ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Олий ўқув юртининг «Автомобиласозлик» факультети кафедраларида амалга оширилаётган изланишлар эса «Нексия», «Тико», «Дамас» русумли енгил автомобилларнинг техник ҳолатини яхшилашда омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Факультет декани Эркин Файзуллаев амалга ошираётган тадқиқотлар эса бу каби транспорт воситалари тузилишини ўрганишда қўл келмоқда. Изланувчан олим раҳбарлигида бундай таълимий жараённинг муқобил ўқитиш усули яратилди. Бундан ташқари автомобилларнинг конструкцияси бўйича электрон ўқув дарслиги ҳам чоп этилди. Ундан ҳозир республикамиздаги техника олий ўқув юрталарда кенг фойдаланилмоқда.

**«Автомобиллар. Конструкция асослари» деб номланган дарслик ва унинг электрон талқини эса босмага тайёрланди.****ИҚТИДОРЛИ  
ТАЛАБАЛАР  
МАРКАЗИ**

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида иқтидорли талаба-ёшлар кўп. Пахта технологияси ва механика факультетида ҳам умидли толиби илмлар билан яқиндан иш олиб боришмоқда.

Пахтани дастлабки ишлаш, технологик жараёнларни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш кафедраларида фаолият кўрсатаётган «Иқтидорли талабалар маркази» эса илмий изланишлар олиб бориш учун бой техник негизга эга. «Технолог», «Механик», «Интеллект», «Эврика» деб номланган клублар марказ таркибиде ташкил этилди.

Бу клуб машғулотирига 50 га яқин изланувчан толиби илмлар фаол қатнашиб пахта технологияси йўналишида ўз иқтидорларини намойиш қилмоқдалар.

Акбар АЛИЕВ

**«Medicina Uzbekistan—2005»****СОҲАНИНГ ЭНГ ИЛҒОР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
КЎРГАЗМАДАН ЎРИН ОЛДИ**

Шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказида ўинчи «Medicina Uzbekistan—2005» халқаро кўргазмаси ҳамда илк бор ташкил этилаётган «Stomatologiya Uzbekistan—2005» стоматология кўргазмаси давом этмоқда.



Албатта ҳар йили аънаваный тарзда ўтказиб келинаётган соғлиқни сақлаш йўналишидаги кўргазмаларнинг республикамиз тиббиёти ривожигадаги ўзига хос аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, ушбу халқаро

тадбирлар давомида тиббиётчиларимиз ўз соҳаларидаги энг сўнгги янгилликлар билан танишадилар, замонавий технологиялар мамлакатимизга жалб этилади, ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзасидан қатор шартномалар тузилади.

Бу йилги кўргазма экспозицияларида Германия, Франция, Италия, Россия, Беларуссия, Литва каби 19 та мамлакатнинг юздан ортик компанияларининг маҳсулотлари — дори-дармонлар, тиббиёт асбоб-анжомлари, тахшис қўйиш ва лаборатория ускуналари, жарроҳлик воситалари намойиш этилмоқда. Бу йилги халқаро кўргазманинг аввалгиларидан фарқи шундаки, биринчидан қўламининг кенглиги

бўлса, стоматология кўргазмасининг алоҳида ташкил этилиши ҳам унинг ютуқли томонларидан бири бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, энг янги тиббиёт технологиялари, замонавий асбоб-ускуналарсиз албатта мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурини муваффақияти амалга ошириш қийин. Айнан юқоридаги кўргазмаларда мана шундай замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини кўришимиз, бинобарин, бундай нуфузли халқаро тадбирлар орқали уларни мамлакатимизга жалб этишимиз, поликлиникалар, шифохоналар, тиббиёт пунктларини жиҳозлашимиз мумкин.

Стоматология соҳасидаги кўргазмадан эса ўнта мамлакатнинг йигирма бир компанияларининг маҳсулотлари ўрин олди. Ушбу кўргазма доирасида замонавий стоматологиянинг долзарб масалалари бўйича халқаро илмий-амалий анжуманининг ташкил этилгани, унда турли мамлакатлардан ташриф буюрган соҳа мутахассисларининг ўз таърибалари билан ўртоқлашгани ҳам эътиборга лойиқдир.

(Ўз муҳбириминг)  
**СУРАТЛАРДА: «Medicina Uzbekistan-2005» ҳамда «Stomatologiya Uzbekistan-2005» халқаро кўргазмаларидан лавҳалар.**

Наталья Семёнова  
олган суратлар

Хавфли вазиятлар, аҳолининг бекаму кўст ашашига дахл этувчи ҳолатлар ҳеч қачон кутиб турмайди. Шу маънода ҳозир ер юзи аҳолисининг қирқ беш фоизи табиий ва техноген ҳолатидаги офатлардан азият чекаётганини таъкидлаб ўтиш мумкин. Шундай экан, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, у қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар аҳолини тез ва қисқа фурсатларда хавфдан воқиф этиш зарурати пайдо бўлиши табиий ҳол.

**Таъбирлар****ТАКТИК МАШҒУЛОТЛАР  
ЎТКАЗИЛДИ**

Шу нуқтаи назардан аҳолини фавқулодда вазиятларга ҳар томонлама тайёрлаш мақсадида Республика Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши «ЕЧНО» халқаро ташкилоти хомийлигида Юнусобод туманидаги Мирзо Улугбек маҳалла қўмитаси ташаббуси билан шу ерда истиқомат қилувчи аҳоли иштирокчида махсус тактик дала машқларини ўтказди.

Машғулотларда фавқулодда ҳолатлар: кучли ер қимирлаши оқибатида хонадонларнинг бузилиб кетиши, электр, газ тармоқлари ва сув узатиш мосламаларининг ишдан чиқишида аҳоли би-


фавқулодда вазиятларга аҳолини руҳан тайёрлаш, воқеа жойидан жабрланган кишиларни эвакуация қилиш, инсонпарварлик ёрдами-ни кўрсатиш ва биринчи тиббий ёрдамни ташкил этиш машғулотларидан қўзланган мақсад битта — ҳам бўлса кишиларни сергалликка, огоҳликка чорлашдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, тактик дала машғулотлари ушқоқлик билан ўтказилди. Унда иштирок этган маҳалла фаоллари, тиббиёт ходимлари, соҳа вакиллари ер қимирлаши, ёнгин ҳолатларида қандай ҳаракатланиш зарурлиги хусусида тадбир иштирокчиларига тушунтириш ва керакли мас-лаҳатларни бердилар. Махсус гуруҳларга ажратилган ҳолда иш олиб борган мутасаддилар фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида тўхталар экан, энг асосийси, бундай вазиятларда саросимага тушиб қолмаслик лозим эканлигига алоҳида урғу берди.

Юнусобод тумани М.Улугбек маҳалласида ўтказилган маъмур тадбир аҳолини фавқулодда ҳолатлар юзага келганда тезкорлик билан тўғри ҳаракат қилишга ўргатганлиги билан эътиборлидир.

**Хидирали ПАНЖИЕВ  
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



лан қандай иш олиб бориш зарурлиги, шошилиш вазиятларида Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар амалий тарзда намойиш этилди.

— Ҳаётда қутилмаган тасодифлар кўп, — дейди жамиятининг Тошкент шаҳар кенгаши фавқулодда вазиятлар мувофиқлаштирувчиси Нилуфар Орипова. — Бу-гунги табиий ва техноген турдаги

**Маънавият****ЎҚИТУВЧИЛАР  
МАҲОРАТЛАРИНИ  
КЎРСАТИШДИ**

Билимли, маърифатли ўқитувчиларга кенг шарт-шароитлар яратиш, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш ҳамда улар орасидан энг иқтидорлиларини танлаб олиш мақсадида ҳар йили аънаваный тарзда ўтказиб келинаётган «Йил ўқитувчиси» кўрик танлови бошланди.

Мирзо Улугбек тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан Ўқитувчилар ижодиёт марказида ушбу танловнинг туман босқичи ўтказилди. Танловда ўқитувчилар 5 босқич, яъни педагогик фаолият тақдироти, психологик вазият, педагогик актёрлик, педагогик фаолиятдаги инновацион иш каби йўналишларда ўзларини синаб кўришди.

Айниқса ўзига хос ғоялари билан ўқувчиларни жалб эта олган туманининг 286-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Шукурованинг чиқишлари йўғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Болаларнинг яхши-ёмони бўлмайди, — дейди Дилфуза Шукурова. — Улар мисоли бир ниҳол. Биз боғбон сингари улардан ўз парваришимизни, меҳримизни аямаслигимиз керак. Чунки улар бизнинг келажакимиз, гуркираб яшнайдиغان боғу роғларимиздир. Ушбу танловнинг аънаваный тусга айлангани биз педагогларни ниҳоятда қувонтирди. Бу танловда қатнашган ўқитувчилар ўзаро билим ва малака алмашиб, ўз фаолиятларига мустаҳкам замин яратишди.

Танлов сўнггида голиблар аниқланди. Шундай қилиб, 1-ўрин 286-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Шукурова, 2-ўрин Элена Аконова, 3-ўрин Элена Губаеваларга насиб этди.

Голибликни кўлга киритган Дилфуза Шукурова келгусида ушбу танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ширмоной АСРАНОВА

**Маънавият****СИРТҚИ МАКТАБ  
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ**

Мамлакатимизда «Мактаб кутубхоначиларининг сиртки мактаби»ни ташкил этишга киришилди. Республика илмий педагогика кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон педагогика кутубхоналари уюшмаси ташаббуси билан амалга оширилаётган бу йирик маърифий тадбир бўйича қатор маъруза матнлари тайёрланди.

«Болаларда мутлола маданиятини шакллантириш», «Мактаб кутубхоначиларининг касбий тайёргарлигига замонавий ёндошув», «Мактаб кутубхонаси жамғармасини тўлдиришнинг турли шакллари» деб номланган мавзулардаги маърузалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари мактаб кутубхонасида янги педагогик технологияларга доир маърузалар ҳам тингловчилар эътиборига ҳавола қилинади.

«Мактаб кутубхонасида — Интернет», «Мактаб кутубхонасида электрон манбалардан фойдаланиш самарадорлиги» каби маърузалар кутубхоначиларда ҳам қизиқиш уйғотади.

Анвар ВАЛИЕВ





*Бу тўрфа олам*

**ТОШ  
ЁМФИРЛАР**

Осмондан яна нималар ёғилган? Аксинча — нималар ёғилмаганини санаб чиқиш осонроқ эмасмикан?

Тош ёғилиши ҳақида эшитгансиз, албатта. «Билемиз, улар метеорит деб аталади?» дейишингиз аниқ. Бу фикрда қарийб ҳақсиз, чунки метеоритлар чиндан ҳам Коинотдан учиб келишади (авваллари шунга ҳам ишонилмаган, осмонда тош бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаган). Аммо «қарийб ҳақсиз» дейишимизга сабаб шунки, осмондан ёғилувчи тошларнинг ҳаммаси ҳам Коинотдан келавермайди. Ҳозирги вақтда мутахассислар метеоритни юз фоиз аниқлик билан фарқлай олишади.

Тош ёмғири ҳақида миллоднинг I асрида Тит Ливий ёзиб қолдирган, собинлар ва римликлар Албан тоғи чўққисидаги Муқаддас даракторга га тош ёғилишини кўп марта талаб кузатишган. Тадқиқотчи Грегнинг рўйхатида миллоддан аввалги II асрдан бошлаб тушган 2000 дан зиёд метеорит ва «сохта метеорит» қайд этилган, тадқиқотчи Форт ҳам бир неча юз «сохта метеорит»ни аниқлаган. Англиянинг Корнуолл графлигининг Труро деган жойда бир уйга узоқ муддат тош ёғилгани тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинганидан кейин шу хил хабарлар айниқса кўпайиб кетди.

1960 йил 28 июль кунини Хиндистоннинг Банорас шаҳрига муз билан қопланган улкан тош тушган, шундан кейин бир неча ой мобайнида осмондан балиқ ва нималиги номаълум қизил модда ёғилиб турган, ёғду таратувчи бу нарса совуқ тош теграсида гир-гир айланарди. 1886 йил 4 сентябрь кунини Жанубий Каролини штатидаги Чарлстон шаҳрида гувоҳлар 8 квадрат метрли майдонга тиник осмондан кечаю кундуз илиқ тошлар ёғилиб турганига гувоҳ бўлишган.

1973 йил 27 октябрь кунини Нью-Йорк штатидаги Сканилз деган жойда икки кишини тошлар нима учун таъқиб этганини ўрганиш ҳам ҳеч қандай наф бермади.

Калифорниянинг миллий боғида «Улим водийси» номи билан донг таратган саҳрода эса ҳаракатланаётган тошларни кўриш учун осмонга қараш ҳам шарт эмас — бу ерда ваэни ярим тоннагача борадиган улкан харсанглар охишта силжишади. Бу ҳеч кимнинг ҳазили эмаслигига олимлар тезда ишонч ҳосил қилишди. Гап шундаки, саҳро юзюзида ҳар қандай из яққол сақланиб қолади, бу ерда «саёхатчи» тошлар изидан бошқа ҳеч нима йўқ. Олимлар тошлар ҳеч бир сабабсиз, бир маъромда силжишини аниқлашди. Изларига қараганда улар доимо бир йўналишда ҳаракатланишга уринишади, аммо баъзида фақат ўзларигагина кўринадиган аллақандай тўсиқларни айланиб ҳам ўтишади. Олимлар бу ҳодисани шамол, ёмғир ёки тектоник кучлар ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қилиб кўришди, бироқ бу хил таҳминларга ўзлари ҳам ишонилмайди.

*Савоб кунда керак*

**УМРИНГИЗГА  
УМР ҚЎШИЛСИН**

Дунё меҳр устунлари устига қурилган... — Шунинг учун ҳам мен каби кекса, хаста диллар меҳр-оқибат, беминнат ёрдам, одамий меҳрибонлик туфайли ғам-ташвишни нари суриб, ёруғ кунлар шукронаси билан яшамоқда, — дейди 78 ёшли Ҳолбиби она Халилова.

Азал-азалдан халқимиз бағрикенг ва тантилиғи, меҳр-оқибатли ва болажонлиги билан танилиб келган. Бу фазилатлар мустақиллик йилларида янада теранлашди, бойиди, янги-янги фазилатлар билан мукаммаллашди десак муболага бўлмайди. Айниқса, фақат ўзбегимга хос бўлган маҳаллаларда бу борада гапирсак арзийдиган ишлар, элу юрт кори йўлидаги юмушлар кўплаб амалга оширилмоқда. Яқинда тахририятимизга Ҳамза тумани, Янгибод даҳаси, Айриева кўча, 101-уйда яшовчи Ҳолбиби онахондан мактуб келди. Уни айнан келтиришни лозим топдик.

— Менинг ёшим 78 да, I-гурӯх ногирониман ва бўйим ҳам жуда кичкина. Ҳаёт тасодифлари туфайли жуда қийналганман, ёлғиз яшайман. Шароитим жуда оғир, тақдирнинг бешафқат зарбалари мени четлаб ўтмаган. Лекин мен бугун сизларга яхшиликлар қилаётган, шундай қийин дамларда мени ёлғизлатмай, доимо ёнимда туриб, беминнат савобли юмушларга бош бўлаётган инсон ҳақида айтмоқчиман.

Ҳеч кимга ёлғизликни раво кўрмайман (буни фақат бошидан ўтказган одамларгина тушунади). Эшикка кўз тикиб ўтирганимда куёвдай чарақлаб кириб келадиган Миршаропов маҳалласи оқсоқоли Илёс Файзиевнинг одамгарчилиги, инсонийлиги, камтар-камсуқумлиги ҳақида ёзгим, ўз миннатдорчилигимни билдиргим келди. Маҳалла оқсоқоли қанчалик ишлари кўп бўлишига қарамай яққалғизлар, ногирон ва кекса кишилар ҳолидан хабар олишга улгурадилар. Ҳайит, Хотира ва қадрлаш кунини, Мустақиллик ва

Наврӯз байрамларида моддий ва маънавий кўмак кўрсатадилар. Озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам биринчи навбатда юролмай, ётуғлик бўлиб қолган беморларнинг уйларига олиб бориб топширадилар. Шу инсон туфайли қанча ёрдамга муҳтож маҳалладошлар оёққа туриб олганини билман. Маҳалла оқсоқоли Илёс Файзиев каби элпарвар, бировнинг дардини ўзиники деб қабул қилиб қайғурадиган, шодлигига шерик бўлиб, барча оғиру энгил кунларда бош бўладиган инсонлар сафини кўпайсин.

**ТАХРИРИЯТДАН:** Шу ўринда азиз газетхонларга айтиб ўтмоқчи эдик. Тахририятимизга келган биронга мактуб жавобсиз, эътиборсиз қолмайди. Юртимизда бўлаётган ҳар бир воқеа, ҳодиса, хайрли ва эзгу юмушлар, айниқса эл ишига, юрт қорига белни маҳкам боғлаган инсонлар ҳақида ёритсак, токи бир-биримиздан ўргانسак, савобли юмушлардан ўзимизни олиб қочмасак, дунёлага қолган хаста диллар обод бўлиб, улар дусидан биримизга ўн беришини айтгимиз келади.

Дунёга заррин нуруларини таратаётган қуёш тафтидан боғу-бўстон кўкарса, инсонларнинг меҳр-муҳаббат, оқибат, ҳождатбарорлик кўрғонидан хаста кўнглилар обод бўлиб муҳаббат чаманзориди вафо, салоқат гуллари очилади. Маҳалладошлар ҳурмати ва муҳаббатига ўзининг ширинсўзлиги, одамхонлиги, жонқуяру меҳнатсеварлиги билан эришиб келаётган маҳалла фуқаролар йиғини раисига эса ишларида омад, хайрли юмушларидан асло чарчамасликни талаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

*Ҳазм қилмагани*

**БОР ЭКАН**

Жамолнинг кўрдим маънос,  
кўнглимда не ғам бор экан,  
Билмадим, не сап дилимда  
қандай алам бор экан.  
Гап очиб суҳбат аро бирор  
баҳона топмадим,  
Лабларинг гунча каби  
қошиғида қалам бор экан.  
Кўзларимни оломасман  
қоматинг бунча гўзал,  
Бўса бер деб, талпинсам гар  
лабда шабнам бор экан.  
Қайрилиб, ороланиб сен ишва  
бирла кетдингиз,  
Сўқланиб Мирхон изингга  
боқса олам бор экан.

**КЕЛМАДИНГ**

Субҳидам ёз палласи, тонг отди  
эй ёр келмадинг,  
Вақт ўтиб кун ботди ҳамки,  
сўраб бир бор келмадинг.  
Туллари мижжа қоқмай  
бунда ошуфтаҳолман,  
Сезмадинг киприқда нам  
ҳажр аро бемажолман.  
Шод эурсан ҳар маҳал,  
сен учун малолман.  
Хаста жонимга мани бўлиб  
шифокор келмадинг.  
Юлдуз санаб ғамли кўнглимга  
берурман тасалли,  
Ой сўрар, шундоқ мушкулми  
дилбарингга тажалли,  
Тошбағур ёр, сўрмадинг ҳолинг  
не деб ақали,  
Топганим бўлди бир орзу, орзум  
бисёр келмадинг.  
Эй қалам қошли санам,  
айла дилимни ошкор,  
Е мени сайдим бўлгил, ё дилини  
айла шикор.  
Йўлга Мирхон кўз тикиб кўп  
дард чекди интизор,  
Менда қасдинг бор экан, бас  
қилма, шикор келмадинг.  
Мирхон МИРАҲМЕДОВ.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР  
МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**

СИЗЛАРГА БИРЖА САВДОЛАРИДА КАТНАШИШ БИЛАН БИРГА ЎЗ МУЛКИНГИЗНИ БИРЖА САВДОЛАРИ ОРҚАЛИ СОТИШ ҲАМДА БОШҚА КЎЧМАС-МУЛК ЁКИ БОШҚА БИР БИРЖА ТОВАРЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА БРОКЕРЛИК ЎРИНЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

**Брокерлик ўринлари фақат юридик шахсларга берилади ва брокерлик ўрнини олиш учун ариза ва куйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини топширадилар:**

- Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома (брокерлик фаолиятини юритиш ҳуқуқи билан), низом ва юридик шахсининг таъсис ҳужжатларидан нусха;
- Корхона номидан брокер бўлиб ишлаш учун буйруқ ва ишончнома;
- Брокерлик ўрни эгасининг шахсий варақалари;
- «Кўчмас мулк биржа бозоридида савдоларнинг профессионал иштирокчиси сифатида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олганлик» тўғрисида Давлат шаҳодатномаси (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни кўмитаси томонидан берилади);
- Брокерлик ўрни эгасининг икита 3 x 4 шаклдаги фотосурати;
- Брокерлик ўрни эгасининг паспорти.

**Ариза ва ҳужжатлар  
«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» биржа савдолари бўлимида қабул қилинади.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй,  
Давлат мулкни кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биноси, 4-қават, 402-хона.  
Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74;  
www.tshmbm.uz; эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

*Шабриқлаймиз*  
**Синглим Ферузахон!**  
Сени таваллуд топган кунинг билан муборакбод этамиз. Сенга ва оила аъзоларингга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз, деб оила аъзоларинг номидан

**ДИЛҲУЗА**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»  
республика бирлашмаси**

*Тошкент* *Элмоброқов номидаги Тошкент Давлат цирки*

**2005 йил 18 мартдан  
ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА  
Тошкент Давлат циркида  
ПАРИЖ — ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ  
транзит йўли асосида жаҳонда ягона  
РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ  
18 мартдан бошлаб томоша қилишга  
шошилиг  
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.  
Жума, шанба, якшанбада

Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз  
Келганингиздан афсусланмайсиз!!!  
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун  
бюртмалар қабул қилинмоқда.  
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда.  
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.  
Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.  
**Маълумотлар учун телефонлар:  
144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

**Спорт**

**МЕЗБОНЛАР  
ГАЛАБА ҚОЗОНДИ**

КЕЧА ўтказилган футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг навбатдаги гуруҳ баҳсларида мезбон жамоаларга омад кулиб боқди.

Сафарда Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» жамоаси билан куч синашган мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» футболчилари яна муҳлисларини ранжиштиди. Майдонда тўп билан муомала қилиш, тўпни бир-бирига аниқ узатиш, ҳужумкор ўйин намойиш этиш борасида пахтакорчилардан устунлик қилган мезбонлар учрашувда 3:0 ҳисобидаги галабага эришди.

Фарғонада эса «Нефтчи» жамоаси Қатарнинг «Ал-Саад» клуби футболчилари билан куч синашиб 2:0 ҳисобидаги муҳим галабани қўлга киритди. Дарвозага тўпларни Анвар Бердиев ва Носир Отақўзиевлар йўллашди.

Осиё чемпионлар лигаси турнирининг навбатдаги беллашувлари 20 апрелда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

**ҲАМШАХРИМИЗ  
ВЕЛОПОЙГА  
ГОЛИБИ**

Тошкент вилояти автотомбил йўлларида пойтахт вилояти доҳими соврини учун шоссе велопоёғалари бўйича анъанавий халқаро мусобақалар ўз поёнига етди.

Қизқарли мусобақанинг 115 километр масофага чўзилган охириг босқичида айниқса баҳс жуда кескин ҳамда муросасиз кечди. Етакчи пойгачиларга узоқ вақтгача умумий гуруҳдан ажралиб чиқиш насиб этмади.

Охир-оқибатда энг эпчил ва жисмоний тайёргарлиги кучли бўлган пойгачилар голиб ва совриндорлар сифидан ўрин олди. Жумладан Владимир Тяжелкин (Наманган) биринчи ўринни эгаллаган бўлса, чирчиқлик Денис Сукачев иккинчи, ҳамшахримиз Владимир Тўйчиев эса учинчи бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бутун мусобақа давомида голиблик учун икки кучли пойгачи — Владимир Тўйчиев ҳамда қозогистонлик спортчи Дамир Мирзағалиев ўртасида кескин кураш кетди. Ниҳоят барча бешта босқич натижаларига қўра Владимир Тўйчиев умумий ҳисобда галаба қозонишга муваффақ бўлди.

(Ўз мухбиримиз)



*Болалар спорти*

**ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР БЕЛЛАШДИ**

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ҳозирда ҳар ҳафтада болалар ўртасида турли-туман қизқарли мусобақалар, спорт ўйинлари, оилавий турнирлар ташкил этилаётгани эътиборга моликдир.

Жумладан кунчи кеча Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» спорт мажмуасида Сихат-саломатлик йили муносабати билан ва яшариш ҳамда покланиш айёми — Наврўзи оламга бағишлаб шахримизда фаолият кўрсатётган футболга ихтисослаштирилган БУСМлар ва футбол клубларининг 1993-1995 йилларда ўргатилган тарбияланувчилари турасида «Баҳор — 2005» номли қизқарли турнир бўлиб ўтди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан иккитдорли ёш футболчиларни танлаб олиш ҳамда уларнинг кўникма ва малакаларини оширишга шароит яратиш, шунингдек

ёшлар ўртасида спортнинг ушбу оммабоп турини янада ривожлантириш мақсадида уюштирилган мажор турнирда саккизта жамоа — «Пахтакор — 94», 16-БУСМ (93), «Трактор», «Чилонзор — 94», «Пахтакор — 95», 16-БУСМ (94), «Пахтакор — 96» болалар командалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди.

Икки кун давомида бўлиб ўтган қизқарли ва муросасиз баҳслардан сўнг турнир голиб ҳамда совриндорлари аниқланди. Чунинчи, турнирда биринчи гуруҳдан ўрин олган «Пахтакор — 94» жамоаси галаба натижасини сурган бўлса, шу гуруҳнинг яна бир вакили — «Чи-

фатой-95» болаларига иккинчи ўрин насиб этди. «Пахтакор-96» жамоаси эса учинчи бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан таъсис этилган эсдалик совгалари ва дипломлар билан тақдирландилар.

Шу каби тадбирлар нафақат Собир Раҳимов туманида, балки шахримизнинг барча туманларидаги маҳалларда, ўрта мактабларда, болалар спорт мажмуаларида кенг қўламда ўтказилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2005 йилнинг февраль ойидан бошлаб Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Марказий бошқаруви ташаббуси билан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан келишилган ҳолда «Умид», «Ниҳол», «Олимпия умидлари», «Истиқлол», «Намуна» болалар спорт мажмуаларида ва барча ўрта мактаблардаги мавжуд спорт иншоотларида «Очиқ эшик кунлари» тадбирлари ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари ёшлар орасидан истеъдодли спортчиларни танлаб олиш ва уларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш борасида жойларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор тадбирлар ва амалий ишлар бажарилмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ  
СУРАТЛАРДА: «Баҳор-2005» мусобақасидан лавҳалар.



*Мунажжим башорати*

**ҲУНАРМАНДЛАР ОМАДИ  
КЕЛАДИГАН КУН  
8 АПРЕЛЬ, ЖУМА**

Бугун Ойнинг — сўнгги ўттизинчи кунини. Шунинг учун мунажжимлар бугунги кунни яқунлар, хулосалар чиқариладиган кун деб ҳисоблашади. Бошлаб қўйилган ишлар ҳам бугун ниҳоятга етказилгани маъқул. Янги ният, орзуларни амалга оширишга киришадиган кун бугун.

Бугун кун ҳам кечаги ҳолатлар давом этади. Шунинг учун покланиш, ҳаммом ва гўзаллик салонларига бориш, соч олдириш учун қўлай ҳисобланади. Амалий мулоқотлар, янги танишувлар манфаатли бўлади. Кийим-кечаклар, санъат асарларини харид этиш ҳам мамнуният ва хурсандчилик келтиради.

Кишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сепиш, турли сабзавот қўчатларини кўчириб ўтказиш учун ҳам кун қўлай келади. Яна шу кунни ҳунармандчилик касбларини ўрганишга киришиш ҳосиятли бўлади. Бугун харидлар қилиш, тижорат савдо-сотиги билан ҳамда ҳар қандай қўл меҳнати билан машғул бўлиш манфаатли бўлиши ку-

тилади.

Кунни табиат қўйнида, дала-ҳовлиларда ўтказиш ҳам кўнгли ва қизқарли бўлади. Кайфиятингизни яхши қилинг, фақат яхши нарсалар ҳақида ўйланг. Зеро, бугунги ўй-режаларингиз келгусида амалга ошишига ишонса бўлади.

Агар кун давомида бир неча бор исмингизни айтиб сизни қаҳришса ёки шундай туюлса — бунингиз келадиган кўмак ва қудратли хомийларингиз борлигига ишора деб қабул қилинг. Майда пул топсангиз — бу бадастирлик ва омад белгиси. Шамолдан деразангиз синиши ёки очилиб кетиши ҳаётингизда ташвишли онлар юз беришидан огоҳлантиришдир. Мабодо, тагингиздаги нарса йиқилса ёки устингизга бирор нарса тўкилса — сизни жиддий синовлар кутади, дейишадиган мунажжимлар.

Бу кеча қўрадаган тушларингиз башоратли бўлиб, мунажжимлар фикрича, кўпроқ ўнгидан келади. Уларни эслаб қолиш ёки ёзиб қўйиш тавсия этилади.

**Футбол**

**ЖАМОАЛАРИМИЗ  
— КЕЙИНГИ  
БОСҚИЧДА**

ЎТГАН КУНИ уюштирилган Ўзбекистон Кубоги мусобақаларининг навбатдаги учрашувлари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар, «Трактор ва Локомотив»га омад келтирди.

Ўтган йилги мавсумда олий лигада илк бор иштирок этиб кучли олтиликдан ўрин эгаллаган «Локомотив» «Кимёгар» жамоасига қарши меҳмонда тўп сурганлигига қарамай тезкор, ҳужумкор ва комбинацион ўйин намойиш этиб ўз муҳлислари кўнглини шод этди. Мезбонлар дарвозасига 90 дақиқа давомида олтига жавобсиз тўп йўллаган «Локомотив» футболчилари икки учрашув натижасига қўра кейинги босқичга йўллангани нақд қилиб қўйишди.

Сирларёда «Сирларё» жамоаси билан беллашган «Трактор» футболчилари ҳам майдонда ушқоқлик билан ҳаракат қилишди ва 3:0 ҳисобидаги ажайиб галабани қўлга киритишди.

Шахримиз шарафини ҳимоя қилаётган «Шайхонтоҳур» жамоаси футболчилари олий лига вакили «Сўғдиёна»га қарши ўз майдонларида тўп сурган бўлганларда, маҳорат ва тажриба бобида жиззахликлар устунлиги сезилиб турди. Учрашув 2:0 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди.

Шундай қилиб Ўзбекистон Кубоги баҳсларининг навбатдаги босқичида шахримиз шарафини «Локомотив» ва «Трактор» жамоалари ҳимоя қилишди.

(Ўз мухбиримиз)

Кейин шу тушларингизда олган ахборотларингиздан фойдаланиш имкони бўлади.

Бугун кўзалар ва бош мия хасталикларга мойил бўлиб, ўзингизни қаттиқ уринтирманг. Жуда катта ёруғлик манбаига тикилиб қараманг. Гўш ва ҳазми оғир таомларни истеъмоқ қилманг.

Кийинишда қора, кўк, яшил либослар устуворлигига амал қилганингиз маъқул. Сарик, қизил ва зарғалдоқ ранг кийимлардан узоқроқ бўлинг.

**ЖУМАДА:**

- бугун янги ишни бошлаш;
- фаоллик ва ғайрат билан ишлаш;
- турли муаммоларни ҳал этишда ақл тарозуси билан иш қўриш;
- ўзингизга ҳалақит бераётган одатларингиз, нарсаларингиз ва одамлардан қўтулишга ҳаракат қилиш;
- спорт билан шуғулланиб, танангизни чиникитириб бориш;
- ҳаётингизни яхшилик сари ўзгартирадиган гоё ва ўй-режаларингизни рўёбга чиқаришга киришиш;
- қабул қилган қарорларингизни имкон қадар тезроқ амалга ошириш тавсия этилади.

Ўз куч-қудратингиз ва қобилиятингизга шубҳа билан қараш, пардоз-андозларга зўр бериш, ожизлик қилиб, ҳатто энг эзгу ҳиссиётларингизга ҳам эрк беришдан ўзингизни тийинг.

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70,  
эълонлар  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тираж офсет усулида босилади.  
3868 нускада босилади. Қўзғо биринчи А-3

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба,*  
*пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.